ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МЧЖ "Kafolat-lyuks" аудиторлик ташкилоти Бўз шаҳри, 1-кичик даха 26 А уй 14 хонадон.		REPUBLIC OF UZBEKISTAN ANDIJAN REGION THE AUDITING FIRM "KAFOLAT-LUX" Andijan City, 1-region,

"Сўфикишлок" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 2017 йил молиявий

хисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан

Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Текширилаётган корхона тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Жалақудук туман Охунбобоев шахарчаси

ИНН-200 267 714

ОКОНХ-00040

Хисоб рақами 20210000400275264001 АТБ "Агробанк" Жалақудук филиали

(МФО-00040)

Телефон:

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон шаҳри, 1 кичик даха, Фурқат кўчаси 26а-уй 14 хонадон

ИНН-202 468 881

ОКОНХ-84400

Хисоб рақами 20208000203715469001, АТ "Халқбанки" Анд вил. амалиёт бўлими (МФО-00649)

Телефон: Аудитор: +99891 360-19-73
Факс: 0 374 226-04-15, электрон почта: kafolat-lyuks@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 февраль куни 457-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 март куни 00315-сонли лицензия берилган

Ташкилот директори Рахмонова Умидахон Расуловна 2016 йил 16 январда берилган 05365-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга

Андижон-2018 й

Хулосанинг асосий ва якуний қисми

Мен, МЧЖ шаклидаги "Kafolat-Lyuks" аудиторлик ташкилоти аудитори К.Т.Тургунов (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 28 февралда берилган 05291-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) ўзаро тузилган шартномага асосан "Сўфиюшлок" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 1-шакл "Бухгалтерия баланси" ва 2-шакл "Молиявий натижалар тўғрисида"ги хисобот, "Пул оқимлари тўғрисида" ги ва "Хусусий капитал тўғрисида" ги ҳисоботларидан иборат 2017 йил молиявий ҳисоботларини мажбурий тартибдаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги: Андижон вилояти "Сўфиқишлоқ" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг раҳбарияти бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофик 2017 йил учун тақдим килинган молиявий ҳисоботларининг тайёрланиши ва хаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги: Берилган аудиторлик хисоботи ва ҳулосаси учун аудит ташкилоти жавоб беради. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, "Сўфиюшлок" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиклиги ва хаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) талабларига мувофик ўтказилди. АФМА молиявий ҳисоботларни жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади.Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр: Бизнинг фикримиз бўйича, "Сўфиюшлок" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 2017 йил учун тақдим килинган молиявий хисоботлари барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради.

Асл нусхаси ҳаққоний ҳисобланади

Берилган сана 2018 йил 30 апрел

MChJ shaklidagi "Kafolat-Lyuks" аудиторлик ташкилоти директори: **У.Рахмонова**

Аудитор: **К.Тургунов**

Андижон-2018 й